



Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига

Азиз дўстлар!

Бугун кишлоқ ҳўжалиги соҳасида, қолаверса, бутун юртимиз ҳаётида қувончли бир воқеа, яъни, мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд хирмон бунёд этиб, катта меҳнат галабасига эришдилар. Ватанимиз тараққиёти йўлида, иқтисодийтимизни барқарор суратлар билан ривожлантиришда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон ва обод қилишда, ҳақиқатан ҳам, катта ҳисса бўлган бу улкан ютуқ билан авваламбор пахтакорларимизни, барча кишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан хурсандман.

Бу юксак марра пахтачилик ишига ўз ҳаётини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг, ушбу соҳага дахлдор олим ва мутахассисларнинг ўта мураккаб ва машаққатли меҳнати натижаси, том маънода мардлик ва матонат намунаси эканини халқимиз яхши билади ва юксак баҳолайди.

Пахтани ўстириш, уни парвариш қилиш, мўл ҳосил этиштириш билан таниш бўлган ҳар қайси одам бу иш нақадар оғир меҳнат талаб қилишини, бунинг учун йил давомида, биринчи навбатда, ер ва уруғ тайёрлаш, кунни — кун, туни — тун демасдан, ҳар түп қўчат устида парвона бўлиш, шунингдек, об-ҳаво инжиқликлари, касаллик ва зараркунандалар етказадиган зиёнлар ва бошқа турли муаммоларни бартараф этиш — буларга фақат иродаси мустаҳкам, ўз касби ва меҳнатини севган инсонларгина қодир эканини англайди, тушунади.

Бу йилги мавсумни оладиган бўлсак, апрель ойида ҳаво ҳароратининг мезёрдан сезиларли даражада паст бўлгани, сурункали ёмғир ва жала туфайли чигит экиш 5-7 кунга кечикиб кетгани, май ойида 20-25 кун давомида тулқунда намлик микдори ортиб, чигитнинг униб чиқиши ва ўза ривожини деярли тўхтатиб қўганини ҳам-мамиз яхши эслаймиз. Июль-август ойларида эса ҳарорат одатдагидан 8-10 даража юқори бўлгани, жанубий вилоятларимизда жазирама иссиқ 45-50 даражага етгани, кўзни очирмайдиган гармсел, кучли шомол ва бўронлар кузатилгани, турли зараркунанда ва касалликлар кўпайгани, табиийки, ўза ривожига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, пахтакорларимизнинг бу йилги мавсумда, ана шундай кескин ва мураккаб вазиятда эришган юксак марра ва натижаларининг аҳамияти ва қадр-қиммати янада ортади ва ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга арзийди, албатта.

Шу борада беихтиёр одамнинг хаёлига келадиган бир фикрни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан. Пахта азал-азал

дан оқлик, оқ рангнинг тимсоли сифатида эътироф этилади. Оқ пахтани фақат оққўнгил одамларгина етиштиради. Таъбир жоиз бўлса, пахта нафақат оқ рангнинг рамзи, балки фидокорона меҳнатнинг маҳсули десак, ҳеч қандай муболага бўлмайд.

Қадри юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, деҳқончиликда, айниқса, бизнинг Ўзбекистон шароитида тулқунимиз, еримиз сифатини инобатга оладиган бўлсак, ҳар қандай ҳосилнинг энг катта, ҳал қилувчи омил — бу экин майдонларининг мелiorатив ҳолатидир. Кейинги беш йил мобайнида махсус давлат дастури асосида мамлакатимиз бўйича салкам 1 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 460 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланиши кишлоқ ҳўжалиги соҳасида мўл ҳосил этиштириш, жумладан, ўтган шу даврда пахтачиликда ҳосилдорлиги 24 центнердан 26,4 центнерга етказиш учун замин яратиб берди.

Мустақиллик йилларида ҳар бир ҳудуднинг тулқун ва иқлим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил ўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз туфайли ўнлаб истиқболли янги навлар яратилиб, амалда жорий этилгани соҳа ривожига салмоқли қадам бўлганини қайд этиш зарур.

Бу йилги мавсумда вужудга келган мураккаб муаммо ва қийинчиликларни бартараф этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ куч ва имкониятларни сафарбар этишга тўғри келди. Бунинг тасдиғини аввало олимкор деҳқонларимизнинг интенсив агротехнологияларни самарали қўлагани, ўза қатор орали ҳар йилгидан 3-4 марта кўп, ўртача 7 марта култивация қилингани, суғориш ишлари шарбат усулида олиб борилиб, гектарига 10 тоннадан, жами 10 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани мисолида қўйиш мумкин.

Шулар қаторида кейинги йилларда шаклланган самарали тизим асосида фермер ҳўжаликлари имтиёзли кредитлар ва техника билан таъминлангани, зарур уруғлик, маҳаллий ва минерал ўғитлар, ёқилги-мойлаш материаллари бевосита дала-нинг ўзига етказиб берилгани, йғим-терим жараёни уюш-қоқлик билан ташкил этилгани етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочини кунларга қолдирмасдан, унинг 90 фоиздан ортигини юқори сортларга топшириш имконини берди.

Айниқса, дефолиация ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани, кейинги йилларда бу агротехник тадбирнинг нақадар муҳим эканини фермерларимиз чуқур англаб етгани ва бу борадаги ишлар

тизимли равишда олиб борилаётгани ўза ривожда бир-мунча кечикиш кузатилган жорий йилда ўзининг аниқ самарасини кўрсатди.

Энг муҳими, инсон омилига катта эътибор берилаётгани, кишлоқ ахлининг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, ўз ерига эгалик ва масъулият ҳисси, эртанги кунга бўлган ишончи, дахлдорлик туйғуси тобора ортиб, онгу тафаккури юксалиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этди, десам, ўйлаيمانки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилиасиз.

Ишни оқилона ва самарали ташкил этиб, ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмони-ни муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Элиқалъа, Шаҳрихон, Тошлоқ, Учкўприк, Ўзбекистон, Вобкент, Қарши, Навбахор, Ҳисор, Поп, Нарпай, Шеробод, Қумқўрган, Бўқа, Гулран туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани 20-25 иш кунига бажариб, кўпчиликка ўрнатилган намуна бўлдилар.

Юртимиздаги минглаб илғор фермер ҳўжаликлари қаторида Қамаш туманидаги «Ашурота», Муборак туманидаги «Олам», Навбахор туманидаги «Мартабали», Наманган туманидаги «Олтин замин ифтихори», Каттақўрган туманидаги «Ҳосил», Пахтачи туманидаги «Умида Шарипова», Сирдарё туманидаги «Адолат момо», Риштон туманидаги «Гулобод юрт», Амударё туманидаги «Улуғбек Ўрозбоев», Элиқалъа туманидаги «Рўзимбой бобо», Олтинқул туманидаги «Нур-зиё кўзи» сингари фермер ҳўжаликлари ҳосилдорлигини гектаридан 45-60 центнерга етказиб, фермерлик ҳаракатининг катта имкониятларини, ўзбек деҳқони қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор исботлаб бердилар.

Айни вақтда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг тадрижий мантиқи, ҳаётнинг ўзи фермерлик ҳаракатини янги, юксак босқичга кўтаришни тақозо этаётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу борада соҳа ривожини ун-янги имкониятлар туғдириб бериш, унинг самарадорлигини ошириш, ерни том маънода ҳақиқий эгасига топшириш, аграр соҳада ўзига хос мактаб яратган илғор фермерларнинг иш тажрибасини ёшларга ўргатиш, замонавий билим ва ма-лакага эга бўлган янги фермерлар авлодини тарбиялаш каби ўта муҳим вазифалар эътиборимиз марказида туриши зарур.

Хурматли юртдошлар! Ҳаммамиз яхши тушунамизки,

кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг пировард натижаси деҳқонларимизнинг ўз меҳнатидан муносиб даромад олиши, аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишдек эзгу мақсад билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода, мустақиллик йилларида мамлакатимизда пахта толасини юксак технологиялар асосида қайта ишлаш, уни қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот сифатида экспорт қилиш ҳажми ортиб бораётганини диққатга сазовордир.

Агар 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ўтган давр мобайнида бу рақам қарийб 6 баробар ортиб, ҳозирги вақтда салкам 40 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида олдимизда турган турли муаммоларни ечиш, минг-минглаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни замонавий иш жойлари билан таъминлаш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш имконини бераётганини, ўйлаيمانки, тушуниш қийин эмас.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил пахтачиликдан олин-надиган ялпи даромад ўртача 3 триллион 100 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 23 фоиз кўп бўлиши кутилётгани деҳқон ва фермерларимизнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини қучайтириш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва бошқа умум-миллий дастурларимиз доира-сида белгилаб олган вазифаларимизни амалга оширишга хизмат қилиши билан айниқса эътиборлидир.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Бугунги хурсандчилик кунда сиз, фидойи деҳқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекция-нерларни, мутахассис ва мута-саддиларни, Ўзбекистонимиз-нинг юксак пахта хирмони-ни му-носиб ҳисса қўшган барча ин-сонларни бағримга босиб, яна бир бор табриклар эканман, сизларга қалбимда, юрагимда бўлган ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор эта-ман.

Мана шундай шуқуҳли дам-ларда биздан марҳаматини дариғ тутмасдан, ўз паноҳида асраб келётгани, доимо йўли-мизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шуқроналар ай-тишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, хонадонла-римиздан файзу барака, тинч-лик-осойишталик аримасин! Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳа-тини кўринг, ҳеч қачон кам бўл-манг, азизларим, қадрдонла-рим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МДХНИНГ МИНСК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-25 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб, МДХ Давлат раҳбарлари кенга-шининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Мустақил Давлатлар Ҳам-дўстлигининг саммитлари 20 йилдан ортиқ вақт давомида давлатлараро аҳамиятга мо-лик муҳим масалалар, минта-қавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш, ўзаро маъқул қарорлар қабул қилиш мақсадида очик мас-лаҳатлашиш учун қулай муло-қот майдони вазифасини ўтаб келмоқда.

Минск учрашувида Ҳамдўст-лик фаолиятини янада тако-миллаштириш, аъзо мамла-катлар ўртасида сиёсий, сав-до-иқтисодий, сарможий, ма-даний-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро таш-килотлар доирасидаги ҳам-корликни ривожлантириш ма-салалари кўриб чиқилди.

Президентлар минтақавий ва халқаро муаммолар, хусу-сан, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси каби таҳ-дидларни бартараф этишда ҳамкорлик борасида фикр ал-машди.

Афғонистондаги вазият ҳақи-да сўз борар экан, 2014 йилда

халқаро коалиция кучлари бу мамлакатдан чиқарилиши хавф-сизликни таъминлаш бораси-даги муштарак саъй-ҳаракат-ларни янада фаол мувофиқ-лаштиришни тақозо қилиши таъкидланди.

Ислом Каримов Ҳамдўстлик макониде терроризм ва эк-стремизм ғоялари кириб кели-шига йўл қўймайдиган муҳит-ни шакллантириш, бу иллат-ларнинг олдини олишда фа-қат уларнинг ўзи эмас, ман-баларига қарши курашиш за-рурлигини қайд этди. Ўзбе-кистон раҳбари бу борада ах-борот-коммуникация техноло-гиялари соҳасидаги ҳамкор-лик ҳам муҳим аҳамият касб эттишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентини Аф-ғонистондаги вазият ҳақида тўхталиб, бу муаммонинг ҳар-бий ечимини йўқ эканини, қурол-ли можаброга муро-са ва музо-каралар билан барҳам бериш мақсадга мувофиқ эканини қайд этди.

Давлат раҳбарлари МДХ доирасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга доир масала-

ларни ҳам кўриб чиқдилар. Маълумки, бу йўналишдаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш мақса-дида 2011 йилда Эркин сав-до зонаси тўғрисидаги шарт-нома имзоланган. Президент Ислом Каримов тўлақонли эр-кин савдо зонасини барпо этиш энг устувор ва муҳим вазифалардан бири эканини таъ-кидлади. Зеро, дунёдаги кўп-лаб мамлакатлар молиявий-иқтисодий инкнрозиш бошдан кечирган ва унинг асоратла-рини бартараф этаётган ҳо-зирги шароитда мукаммал эр-кин савдо зонасини шаклла-нтириш ишлаб чиқаришни рағ-батлантириш, ишбилармон доираларнинг ўзаро ишончи-ни янада мустаҳкамлаш, қўш-ма иқтисодий дастурларнинг вақтида ижро этилишини таъ-минлаш каби қатор иқтисодий самаралар беради.

Президентлар маданый-гу-манитар ҳамкорлик масалала-рини муҳокама қилиб, 2014 йилни МДХда Сайёҳлик йили деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Давлат раҳбарлари жиноят-чилик, одам савдоси, нарко-бизнес, терроризмга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастурларни тас-диқладилар.

Ҳамдўстликка раислик 2014 йилдан Украинага ўтади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Минск — Тошкент.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш

ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши та-шаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорли-гида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»-ги Қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёнида партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг иштироки ҳамда қонун лойиҳасини тақомиллаштиришга қаратилган тақлифларни муҳокама этишга бағишланган амалий семинар ўтказилди.

2

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Депутат учун ЭНГ МУҲИМИ

сайловчилар ишончини
оқлаб, юзи ёруғ бўлиш ва
мамлакат тараққиётига
муносиб ҳисса қўшишдир



УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги кенг нишонланган жорий йилда пахтакорларимиз 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этиб, шартнома мажбуриятини ошириб бажардилар. Етиштирилган ҳосилнинг 90 фоиздан ортиги юқори навларга топширилди. Эришилган бу улкан галаба Ватанимиз иқтисодий қуд-ратини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, мамлакатимиз-ни обод этишга хизмат қилади.



«Ўзбекистон овози»

Кейинги сонларда

ЎзХДП Марказий Кен-гаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш мар-кази» мавзусида семи-нар ўтказилди.

Мазкур семинар тафси-лотларини газетамиз-нинг кейинги сонларидан бирида ўқийсиз.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари
фаолияти очиқлигини таъминлашЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш,
электорат манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради

* Ҳуқуқий эксперимент бошланганидан ҳозиргача халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига 120 дан ортиқ сўров юборилган...

* Семинарда қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган 50 дан ортиқ таклифлар ўртага ташланди...

* Самарқанд вилоят солиққўни сақлаш бошқармасига халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари аъзолари 20 га яқин сўров юборган...

Фармон ТОШЕВ,
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Самарқанд вилоятида 91 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи бўлиб, бугунги кунда уларнинг ҳар бирида расмий веб-сайт ташкил этилган. Бу албатта, қонун лойиҳаси синови жараёнини сифатли ўтиши, очиқлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги жараёнида ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз то-



монидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 120 дан ортиқ сўров юборилди. Уларда электорат манфаатлари, партия дастурий мақсадлари билан боғлиқ масалалар кўтарилган.

Мен ҳозир оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органида барча оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтиши кўрсатиб ўтилган. Қонун лойиҳаси синови жараёнида маълум бўлдики, мазкур норма янада такомиллаштирилиши, аккредитация билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритилишига эҳтиёж бор. Бу борада таклифларимизни тайёрлаяпмиз.

Тоҳир ҲАМИДОВ,
ЎзХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси,
халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Қонун лойиҳасининг 15-моддасидаги баъзи нормаларни ҳаётий тажрибалар асосида қайта кўриб чиқиш керак. Хусусан, маълум бир ахборотни олиш учун белгиланган 15 кун, оммавий ахборот воситалари учун белгиланган 7 кун муддат қандай ахборот сўралаётганига қараб белгиланиши, бунда, албатта, мазкур ахборотнинг долзарблиги, муҳимлиги, асқоришини ҳисобга олиш керак, деб ўйлайман.



Жасур УМРЗОҚОВ,
«Истиқбол» ёшлар қаноти
Булунғур туман бўлими
етакчиси:

— Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш учун ундаги айрим атамаларга алоҳида тушунча бериш керак. Айрим ноаниқликлар, мураккаб атамалар, турли ҳавола нормаларни аниқлаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига келиб тушадиган сўровларни классификация қилиш самарадорлигини янада оширади. Шунингдек, сўровларнинг долзарблик даражасини аниқлаш имконини беради.

Элдор МУҲАММАДИЕВ,
вилоят солиққўни сақлаш бошқармаси
матбуот хизмати ходими:

— Ҳуқуқий эксперимент давомида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан бошқармаимизга 20 га яқин сўров келди. Уларга қонун лойиҳасида белгиланган муддатларда тўлақонли жавоб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Бундан ташқари, матбуот хизмати фаолиятини янада кучайтириш учун алоҳида иш олиб бораёямиз. Бошқармаимизнинг расмий веб-сайти доимий янгиланмоқда.



Салоҳиддин ШУКУРОВ,
Молия вазирлиги
хузуридаги
бюджетдан ташқари пенсия
жағғармаси
вилоят бўлими
ходими:

— Ҳуқуқий эксперимент давомида жағғармаимизда матбуот хизмати тўлиқ шакллантирилди. Айни пайтда бизда икки нафар ходимга алоҳида хона берилган. У ерда турли маълумотлар учун стендлар, ҳамда ахборот бурчаги мавжуд. Расмий веб-сайт ҳам мунтазам фаолият юритмоқда. Утган давр мобайнида вилоят пенсия жағғармаси томонидан оммавий ахборот воситаларида 35 га яқин қишлоқлар қилинди.

Вилоят телевидениеси орқали мунтазам ижтимоий роликлар бериб борилапти. Қолаверса, ҳар уч ойда бир марта очик коллегия йиғилиш ўтказилиб, унда фуқаролар иштирокини таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз...

Семинарда партия етакчилари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари ҳамда вилоятдаги қатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари матбуот хизмати вакиллари иштирок этди.

ЎзХДП Сайловолди дастурида мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат асосини ташкил этадиган ҳукумат қарорларининг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан давлат

бошқаруви органлари ходимлари масъулиятини янада ошириш вазифалари белгиланган. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манзилли қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинган дастурлар ижроси бўйича парламент назорати тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.

Шу боис давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради.

Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат АБДУЛЛАЕВА иштирок этиб, ушбу қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиш ташаббуси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилганини таъкидлади.

— Эксперимент жараёнида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган ҳаётий таклифлар олиш, бу муҳим тадбирда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаол қатнашишини таъминлаш мақсадида партиямиз Марказий Кенгаши томонидан Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бир қатор семинар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилди, — деди у. — Айни пайтда ҳуқуқий экспериментнинг асосий босқичи давом этмоқда. Бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларимиз фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бугунги тадбирдан қўзланган асосий мақсад ҳам қонун лойиҳасини электорат манфаатлари нукта-назаридан кўриб чиқиш, унда партия дастурий мақсадларини ифодалаш юзасидан партия фаолларининг фикрларини ўрганишдан иборат.

●●● Дарҳақиқат, семинарда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг моддалари юзасидан аниқ таклифлар, зарур тавсиялар билдирилди.



Дилбар ҲОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши нафақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари балки, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар қўймоқда. Биринчи декабрда ҳуқуқий экспериментнинг асосий босқичи якунланади. Шу боис ушбу давр мобайнида Қонун лойиҳасида партиямиз электорати манфаатларини акс эттиришга қаратилган барча таклифларимизни умумлаштирган ҳолда ЎзХДП фракцияси нукта-назарини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисига олиб чиқиш зарур.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ оlingан сурат.

Сиёсий партияларнинг
таъсир кучимаҳаллий даражада
ҳам ортмоқдаОлий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП
фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб
ўтди. Унда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш
ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Фракция муҳокамаси

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ролини кучайтириш юзасидан изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, улар фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган қонунчилик асослари мустаҳкамланди.

Демократик ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши сиёсий партияларнинг жойларда таъсирини, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтириш, сайловчилар манфаатларини ифодалашнинг янги, самаралироқ механизмларидан фойдаланишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Юқоридagi қонун лойиҳаси ана шу эҳтиёж туфайли ишлаб чиқилган ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадларини кўзда tutadi.

Назира МАТЯКУБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Амалдаги қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашларида партия гуруҳларини ташкил этиш тартиби ва фаолиятини тугатиш шартлари ҳамда ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда сиёсий партияларнинг роли етарли даражада мустаҳкамланмаган. Бу эса улар фаолиятида айрим қийинчиликларни юзга келтираётган эди.

Қонун лойиҳасида партия гуруҳини ташкил этиш тартиби ва шартлари белгиланмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ҳамда шаҳарлардаги (вилоятлар марказларидаги) партия гуруҳларини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдори камида беш нафар этиб белгиланмоқда.

Ҳар бир сиёсий партия маҳаллий вакиллик ҳокимиятида ўзининг мустаҳкам ўрни бўлишини, депутатлик гуруҳини ташкил этиш учун етарли жойни қўлга киритишини истади. Демак, таклиф этилаётган янги меъёrlар сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни янада кучайтиришга олиб келади.

Искандар АЗИЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Амалдаги ваколатлари билан бирга партия гуруҳлари тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислиги, раис

ўринбосарлиги ва аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш ҳуқуқларига эга бўлмоқда. Депутатлик гуруҳи киритадиган масалалар бўйича таклифлар кўриб чиқиш шарт этиб белгиланапти.

Қонунга киритилаётган бу янгиликлар сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги роли, давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар масъулиятини кучайтиришга олиб келади. Қисқа қилиб айтганда, депутатлик гуруҳларига партия сайловолди дастурини амалга ошириш учун қўшимча имкониятлар берилмоқда. Бу эса маҳаллий даражада ҳам сиёсий партияларнинг фаоллиги ҳамда таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, фракция иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Мазкур ҳужжатнинг мақсади ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг қонуний асосини мустаҳкамлашдан иборат. Бунда асосий эътибор ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаблар, уларнинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш чораларини кўриш бўйича умумий, махсус, яқка тартибдаги ва викимологик профилактикани ташкил этиш ҳамда амалга оширишга қаратилмоқда.

Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасидаги қоидалар жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонунчиликни модернизация қилишга қаратилган. Қонуннинг қабул қилиниши давлат тузилмалари билан жамоатчилик институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмни такомиллаштириш имконини беради, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўлланиладиган чораларнинг тизимлилигини мустаҳкамлайди.

Қўн тартибидан ўрин олган қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан электорат манфаатларидан келиб чиқиб, тегишли таклифлар билдирилди ҳамда ЎзХДП фракциясининг позицияси белгиланган.

Гулуҳ ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Сайловлар янгича ташкилий-
ҳуқуқий шароитда ўтказилади

●●● Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг фаол иштирок этиши мамлакатимизда демократик жараёнлар чуқурлашиб, кишиларда маҳалла, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб бораётганини кўрсатади

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда яна бир муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга қизгин тайёргарлик кўрилмакда. Яъни жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилади. Яқинда шу масала бўйича Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарори қабул қилинди, шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди.

Хўш, сайловга тайёргарлик жараёнлари қандай кетапти? Сенат Кенгаши қароридида белгиланган тадбирлар қай даражада амалга оширилмапти? Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ўзхалқ депутатлик гуруҳи аъзоси Сотибодди БОБОҚУЛОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Маҳалланинг ҳаётимиздаги аҳамияти кундан-кун ошаётган бораётган бир пайтда, унга бош бўладиган фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларига ҳам катта талаблар қўйилмоқда. Негаки, маҳалла раиси, маслаҳатчиси билимли ва зукко, адолатли бўлса, ҳудудда ижтимоий муҳит соғлом бўлади, ўзаро аҳиллик, тотувлик, тинчлик-осойишталик таъминланади. Бундай жойда фэйз бўлади, барака бўлади. Демак, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида муносиб номзодларни танлаш ва сайлаш ҳар бириимиздан катта масъулият талаб этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказишга Тошкент шаҳрида ҳам қизгин тайёргарлик жараёни давом этмокда. Масалан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ташкил этилди. Шунингдек, шаҳардаги барча — 475 та маҳалла фуқаролар йиғинларида сайлов-

ни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Айни кунда ушбу муҳим жараёни юқори савияда ташкил этиш, ушқоқлик билан ўтказиш учун барча зарур ишлар амалга оширилиб, турли тадбирлар ташкил этилапти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ташаббуси билан сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланган республика миқёсида семинар ташкил этилди. Шу асосда бизнеснинг комиссиямиз томонидан ҳам кенгайтирилган ўқув-семинар ўтказилиб, унда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» янги таҳрирда қабул қилинган Қонуннинг мазмун-моҳияти, жорий этилаётган янги меъёrlар, аввалги сайловларда тўпланган тажрибадан келиб чиқиб олдимиздаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ушқоқлик билан ўтказиш масалалари ҳақида фикр алмашилди. Бундай семинарлар барча туманларда ўтказилди.

Юқоридаги Қонунда ишчи гуруҳлар фаолиятига ҳам янги талаблар қўйилди, ваколатлари кенгайтирилди. Масалан, ишчи гуруҳ таркибига эндиликда фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудуддаги нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан ташқари, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг депутати ҳам киритилди. Айни пайтда кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари сайловни ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида кенг қўламада тушунтириш ишларини олиб борапти.

— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар қандай танланади?

— Аввало, ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди, ту-

Маҳалланинг ҳаётимиздаги аҳамияти кундан-кун ошаётган бораётган бир пайтда, унга бош бўладиган фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларига ҳам катта талаблар қўйилмоқда.

ман (шаҳар) ҳоқими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камидан ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади. Туман ёки шаҳар ҳоқими фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва номзодлар бўйича ўзининг асосланган ёзма ҳулосаларини ишчи гуруҳга топшириш учун тегишли комиссияларга юборади.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, қоида тарикасида олий маълумотга эга бўлиши, сайловга қадар камидан беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-этиборга эга бўлиши керак.

Фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар эса тегишли ҳудудда доимий яшаётган фуқаролар фикри инobatга олинган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан кўрсатилади.

— Янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунга сайловни ўтказиш билан боғлиқ қатор нормалар киритилди.

— Қонуннинг 21-моддасида белгиланганидек, сайлов ишчи гуруҳи раислигида ўтказилади. Бунда фуқаролар йиғи-

ни (фуқаролар вакиллари-нинг йиғилиши) санок комиссиясини, фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчиларини сайлайди. Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш йўли орқали ўтказилганда фуқаролар йиғини иштирокчиларига санок комиссияси томонидан сайлов бюллетенлари берилади. Бюллетенга фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади.

Овоз беришчи яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида бюллетенни тўлдирди ва сайлов қутисига ташлайди. Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг эмас, балки овоз беришда иштирок этганларнинг ярмидан кўпроғи овозини олган номзод раис ёки унинг маслаҳатчиси этиб сайланган ҳисобланади.

Агар лавозимларга икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва уларнинг биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз бериш ўтказилади. Бу жараёнда бошқа номзодга нисбатан кўпроқ овоз олган номзод сайланган ҳисобланади.

Умуман олганда, фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этган ҳар бир фуқаро ўзи истиқомат қилаётган ҳудуднинг эртанги кунини дахлдорликни чин дилдан ҳис этиши зарур. Энг муҳими, инсон манфаатини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш кўп жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш органларига кимлар сайланиши билан ҳам боғлиқ. Бу эса ҳар бир сайловчидан чуқур ўйлаб, ҳолис овоз беришни талаб этади.

**«Ўзбекистон овози» муҳбири
Лазина ШЕРОВА
суҳбатлашди.**



Муҳожирлар



кириб келишини қийинлаштиради

Буюк Британия ҳукумати мамлакатга нолегал муҳожирлар кириб келишини қийинлаштирувчи ва уларни мамлакатдан чиқариб юборишни осонлаштирувчи янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, парламентга тақдим этди.


Янги қонун лойиҳасига кўра, дейилади «BBC News» хабарига, муҳожирларнинг ҳайдовчилик гувоҳ-

номаси олишини қийинлаштирувчи иммиграция мақоми қайта кўриб чиқиш, муҳожирни мамлакатдан чиқариб юбориш масаласи бўйича апелляция жараёнларини қисқартириш, полиция томонидан қўлга олинган тартиббузар муҳожирларни гаров эвазига озодликка чиқариш тартибини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Мамлакат ҳукумати мазкур янги қонун лойиҳаси қабул қилинса, нолегал муҳожирлар оқими қисқаришига умид қилмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, 2012 йилда 172 минг муҳожир мамлакатга келган бўлса, 2015 йилдан бу рақамни 100 мингга тушириш назарда тутилмоқда. Айни пайтда мамлакатда 600 мингдан 1,1 миллионгача нолегал муҳожир яшаётгани тахмин қилинмоқда.

Юпитер ва сатурнда



олмос «ёмғири»

Олимлар тахминига қараганда, Юпитер ва Сатурн атмосферасининг қуйи қисмида улкан олмослар қатлами мавжуд. Уларнинг ҳажми ҳатто айбەرглр ҳажмидек бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу икки улкан сайёра атмосферасининг юқори қисмида эса ўта юқори босим ва ўта юқори ҳарорат ҳукм сургани боис олмос «ёмғир»лари тез-тез қайталаниб туриши илмий тахминларда илгари сурилмоқда.

Денверда бўлиб ўтган Америка астрономия ҳам-жамиятининг планеталогияга бағишланган йиллик конференциясида Пасаденадаги Калифорния технология институтини ходими Мона Делитс ҳамда Мэдисонда-

ги Висконсин университети ходими Кевин Бэйнс маърузаларида ушбу маълумотлар келтирилган.

Олимлар кейинги 5 йилда Юпитер ва Сатурн бўйича йиғилган маълумотларни умумлаштириб шундай ҳулосага келдилар.

Уларнинг тушунтиришича, бу сайёралар атмосферасининг юқори қисмида жуда кучли бўронлар содир бўлиб туради ва бу бўронлар углеводородларнинг маълум қисминини графит ва қора қумга айлантиради. Маълум қисми эса атмосферанинг қуйи қисмига «қулайди» ва у ердаги ҳарорат алмашинуви ҳамда босим ўзгариши натижасида микроолмосларга айланади сўнгга, сайёра ядроси томон ҳаракатланиб, улкан олмослар қатламини ҳосил қилади.

Келажақда одамзод бу қазилма бойликларни роя-ботлар ёрдамида қазиб олиб фойдаланиши мумкинлиги ҳақидаги башоратлар ҳам илгари сурилмоқда.

Миллий ахборот макони

●●● жадал ривожланмоқда

Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарт ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган ОАВ сони 1360 тадан ошди. Улар орасида нодавлат оммавий ахборот воситалари 2000 йилдаги 14,2 фоиздан 62 фоизга етди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси билан ҳамкорликда ўтказган семинарда бу ҳақда батафсил сўз юритилди. «Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан кўллаб-қувватланиши — миллий ахборот маконининг жадал ривожланиши кафолати» деб номланган семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вакиллари, марказий ва ҳудудий ОАВ ходимлари иштирок этди.

Семинарда ОАВнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар амалда ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари-

ни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар босма ОАВни кўллаб-қувватлашга 165 миллион сўм йўналтирилди. Шундан 60 миллион сўм ҳудудий босма ОАВ таҳририятларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш учун сарфланди.

— Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада кучайтириш, эркинлаштириш бўйича кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов.

— Ахборот эркинлиги, ахборот олиш кафолатлари таъминланиши оид қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниб, тақомиллаштирилмоқда. Бу эса демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ОАВ иштирокини кенгайтириш билан бирга, ҳар бир фуқаро ахборот олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиши учун кенг йўл очмоқда.

Бундан ташқари, семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам сўзга чиқиб, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперти-ментнинг бориши ва бунда журналистлар, давлат органлари ахборот хизматлари вакиллари билан фаол иштироки ҳақида тўхталди.

Семинар якунида 24 та ҳудудий босма ОАВ таҳририятлари-га техник воситаларни олишга доир сертификатлар топширилди.

Лазина ШОМИЛОВА

Осойишталик
ПОСБОНЛАРИ шарафланда

●●● Юртимизда тинчлик ва osoйишталикни асраб келаётган Ватанимизнинг фидойи фарзандлари — республика Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами кенг нишонланди.

Куни кеча санага бағишлаб ИИБ Маданият саройида ўтган байрам тантанасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган

изчил ислохотлар мамлакатимизда тинчлик ва osoйишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Унда Ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносабати билан Президентимизнинг Фармонида биноан Давлат мукофотига сазовор бўлган бир гуруҳ ходимларга мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов тантанали равишда топширди.

— Жуда ҳаяжонданан, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази раҳбари, «Меҳнат шўхрати» орден-ни соҳиби Бахтиёр Мадазизов.

— Давлатимиз раҳбарининг бундай ғамхўрлигига жавобан бор куч-ғайратимиз юртимизда тинчлик-osoйишта-ликни сақлашга сарфлайман.

**Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Тилингизнинг «учи»да турибди



лекин бу сўзни эслолмаяпсиз

Ўрта ёшдан ўтган инсонлар борки, уларнинг аксариятида шу ҳолат кузатилади: айтадиган гапи тилининг «учи»да туради, лекин эслолмайди.

Хўш, бу ҳолат хотира пайдаланишдан даракми?

Йодланган ош тузи

●●● харидорларга манзур бўлмоқда

Йодланган ош тузи талай хасталикларнинг олдини олиш кўпчиликлари маълум. Шу боис унга бўлган талаб катта. Қўмқўрғонлик Дилмурод Бозоров «Оқсой» маҳалласида «Қўмқўрғон тозаланган ош тузи» хусусий фирмасини ташкил этди. Айни кунларда жамоада 6 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Хориждан келтирилган замонавий технологияларда 0,5 килограммдан 900 граммгача бўлган йодланган маҳсулот қадоқланмоқда. Ушбу арзон, сифатли, энг асосийси, инсон соғлигини асрашда муҳим ўрин тутадиган ош тузи харидорларга манзур бўлмоқда. Келажақда корхонани кенгайтириш туфайли яна 8 нафар кишлоқ ёшлари бандлиги таъминланади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Тошкент вилояти:

2013 йил - Обод турмуш йили



●●● Тошкент вилоятида 2013-2015 йилларда йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун 1 триллион 560 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг бир қатор фармон ва қарорлари, хусусан, жорий йил 6 августда қабул қилинган «2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан тасдиқланган дастур ижросини таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом этаётди, — дейди Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Анвар Абдуқодиоров. — Ушбу дастур бўйича вилоятимизда 2013-2015 йиллари амалга оширилмаган ишларга республика ва маҳаллий бюджет, тижорат банклари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркор ва ҳомийлар ҳамда аҳоли ҳисобидан 1 триллион 560 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Вилоят шаҳар ва қишлоқларидаги аҳоли пунктларининг архитектуравий қиёфасини миллий анъана ва замонавий шаҳарсозлик талабларига мувофиқ тубдан яхшилаш, йўл-транспорт, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, таълим ва тиббиёт муассасалари, маданият ва спорт иншоотларини модернизация қилиш, кўрсатилаётган хизматлар

Бунёдкорлик ишлари кўлами кенгаймоқда

даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, сув ва иссиқлик таъминоти тизимлари, электр энергияси ва табиий газ тармоқларини куриш ва таъмирлаш бўйича муайян ишлар бажарилаётди.

Тошкент — Бекобод автомобиль йўлининг ўрта Чирчиқ туманидан ўтган 5,8 километрик қисмида — Бектемир кўчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бунга мисолдир.

— Жорий йилнинг август ойида Андижон вилоятининг Балиқчи, Олтинкўл ва Хўжабод туманларида бўлиб, у ерларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ўрта Чирчиқ тумани бўлинмаси раҳбари Раҳматилла Ражабов. — Андижондан ўзимизга ҳар жиҳатдан маъқул келган бино ва иншоотлар лойиҳаларини олиб келдик. Бектемир кўчасидаги курилишда ана шу лойиҳалардан ҳам фойдаланмоқдамиз. Кўчанинг янги қиёфа касб этиб бораётгани барчамизга куч-ғайрат бағишламоқда, аҳолининг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Бектемир кўчасида замонавий лойиҳалар асосида 162 та уй-жой, 80 га яқин савдо ва хизмат кўрсатиш объекти ҳамда бир неча спорт иншооти бунёд этилади. Кўчага туташ — «Қумовул» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида ташкил этилаётган истироҳат богида замонавий аттракционлардан ташқари, теннис корти, кичик стадион ва сузиш ҳавзалари ўрин олади.

Лойиҳачиларнинг айтишича, Тошкент — Бекобод автомобиль йўлининг эни 50 метр бўлади. Беш полсалли, барча талаб ва стандартларга жавоб берадиган тарзда қайта куриладиган мазкур йўлнинг

икки четида оқова сув ариғи, пиёдалар йўлаги, кўчаламлаштирилган жойлар ташкил этилади.

Йўл ёқасида бир қанча савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари ишга туширилади. Жумладан, Жанубий Корей, Хитой билан ҳамкорликда тўқимачилик маҳсулотлари, аккумулятор приборлари тайёрланадиган корхоналар фаолияти йўлга қўйилади. Бунинг натижасида олти юздан зиёд маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Ишчи гуруҳ штабининг курилиш жойига яқинлиги, бу ерда ҳокимликнинг бош архитектори, юристи, тадбиркорларни рўйхатга олиш, кадастр, банк ва бошқа идораларнинг масъуллари фаолият олиб бораётгани аҳолига катта қулайлик туғдирмоқда.

Туман ҳокимининг ўринбосари, мазкур штаб раҳбари Маҳмуд Ғулмоқодировнинг айтишича, бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиш ниятидаги 44 нафар тадбиркорга шу ернинг ўзидида ер ажратиб бўйича қарор чиқарилган. Бугунги кунда уларнинг 22 нафари курилишнинг давом эттирмоқда. Қолган қисмининг лойиҳалари тасдиқлаш учун вилоят комиссиясига тақдим этилган.

Бундай ишлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам амалга оширилмоқда. Олмалик, Бекобод, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида ҳар бири 480 хонадонли йигирмата кўп қаватли уй бунёд этиш бўйича тижорат банклари билан биргаликда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда учта маҳалла фуқаролар йиғини биноси, иккита соғлиқни сақлаш, бешта болалар спорт иншооти ҳамда учта мусиқа ва санъ-

ат мактаби янгидан курилиб, фойдаланишга топширилди.

58 километр умумфойдаланувдаги, 51,5 километр ҳўжаликлараро автомобиль йўли капитал таъмирланди. Йўловчи ташиш корхоналари томонидан йигирмадан зиёд янги автобус сотиб олинди, учта янги транспорт йўналиши очилди.

Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш даражасини янада яхшилаш мақсадида икки юз километрдан кўпроқ газ ва сув тармоқлари тортилди. Тўртта сув иншооти, бир қанча газ тақсимлаш пункти ва тармоқлари реконструкция қилинди.

Мазкур ишлар доирасида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган вақт мобайнида Зангиота ва Қибрай туманларида иккита техник сервис хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Ангрен шаҳридаги қирқ тўртта кўп қаватли уйгача бўлган ҳудудга оптик толали алоқа линиялари ўрнатилмоқда.

Янгийўл, Чиноз, Қибрай, Юкори Чирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳарида мобиль алоқа тармоғини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида умумий қиймати 1674,8 миллион сўмга тенг 19 станция куриш режалаштирилмоқда. Яқинда мазкур иш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан ўтказилди.

Вилоятда бу борадаги ишлар кўлами кенгаймоқда. Натижада шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмаси ривожланиб, кўлаб янги иш ўринлари яратилаётди, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Ҳолмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

УЛУҒБЕК АЛИМОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНОРИ!

●●● Шу кунларда Вроцлав (Польша)да оғир атлетика бўйича эр-каклар ўртасида саксонинчи ва аёллар ўртасида йигирма учинчи жаҳон чемпионати баҳслари қизгин давом этмоқда. Унда дунёнинг эллик тўққиз давлатидан 317 нафар спортчи голиблик учун майдонга чиқмоқда.



Нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси таркибидида саккиз нафар спортчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилаяпти. Жаҳон чемпионатининг бешинчи кунги беллашувлари вакилларимиз учун муваффақиятли кечди. Унда Улуғбек Алимов (77 кг) курашга киришиб, ўз маҳоратини намоиш этди. 155 кг натижа билан кифояланган бўлса, силтаб кўтаришда 197 кг кўрсаткичга эришиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Иккикураш баҳслари (352 кг) якунига кўра, икитидорли спортчимиз шохсупанинг фахрий учинчи поғонасидан жой олди.

Бугун бўладиган 105 кг вазн тоифасидаги қатнашчилар беллашувида моҳир штангачимиз, жаҳон чемпионати совриндори, Бутунжаҳон универсиадаси рекордчиси Руслан Нуриддинов майдонга чиқади.

(Ўз мухбириримиз.)

Футболчиларимиз «ПЛЕЙ-ОФФ»да



●●● Гондурасликлар билан куч синашади

Бирлашган Араб Амирликларида ўсмирлар (U-17) ўртасида давом этаётган навбатдаги жаҳон чемпионатининг «плей-офф» иштирокчилари номи бирин-кетин аниқланмоқда.

Дастлаб мусобақанинг «А» ва «В» гуруҳларида кучлилар номига ойдинлик киритилди. Уларда Бразилия, Гондурас, Словакия, Италия, Уругвай, Кот-Д'Ивуар вакиллари учрашувлари муваффақиятли якунлаб, нимчорак финалда тўп суриш ҳуқуқига эга бўдилар.

24 октябрь оқшоми. Бу кунни миллионлаб муҳлисларимиз ойнаи жаҳон қаршисида катта ҳаяжон билан ўтказди. Унда мусобақанинг «С» қавратидида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси охириги турда Хорватия футболчилари-

га қарши майдонга тушди.

Бу ўйинни россиялик футбол муҳлислари ҳам катта қизиқиш билан кузатди. Ўзбекистон жамоасининг галаба қозониши россияликларни кейинги босқичга чиқишига имкон яратарди.

Ўйиннинг 14-дақиқасида рақиб жарима майдончасининг ўнг томонидан Достонбек Ҳамдамов жаримадан йўллаган тўпни хорватиялик ҳимоячи Галетар Кар ўз дарвозасига киритиб қўйди —

«С» гуруҳидаги вазият					
	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Марокаш	2	1	0	6-2	7
2. Ўзбекистон	2	1	0	4-1	7
3. Хорватия	1	0	2	3-5	3
4. Панама	0	0	3	1-6	0

Шунингдек, «Д» гуруҳида ҳам икки учрашув ўтказилди: Венесуэла — Россия — 0:4, Япония — Тунис — 2:1. Ушбу гуруҳдан Япония ва Тунис ўсмирлари кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқига эга бўдилар.

Кеча эса жаҳон чемпионатининг сўнгги икки гуруҳида охириги тур ўйинлари бўлиб ўтди: «Е» гуруҳи. Аргентина — Канада — 3:0, Австрия — Эрон — 0:1.

«Ғ» гуруҳи. Нигерия — Ироқ — 5:0, Швеция — Мексика — 0:1.

Эркин ХОЛЕБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Юрт ҳимоячиларига янги уйлар ТОПШИРИЛДИ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

— Президентимизнинг биз каби Ватан ҳимоячиларига кўрсатаётган ғамхўрлигидан беҳад миннатдоримиз, — дейди у. — Янги уйда барча шарт-шароитлар муҳайё. Фарзандларим бу эътибордан жуда хурсанд.

Оиладан кўнглинг тўқ бўлса, хизмат ҳам аъло бўлади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Суратда: майор Сирожиiddин Салимов оиласи билан.

З.БОЗОРОВ олган сурат.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Rukhma va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmasnasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046

10425

nuxxada bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Bardamбек SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1772010763004

2 3 4 5